
КОРЕЯ КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ФАРҒОНАДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БАРПО ЭТИШГА КИРИШИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Корея-Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси раҳбарининг биринчи ўринбосари Эдвард Ким ҳамда Кореянинг “EduLink Global” компанияси президенти Чунгрим Ханни қабул қилди.

Учрашувда “EduLink Global” компанияси томонидан Фарғона шаҳрида барпо этишга киришилаётган, инновацион таълим тизимига асосланган ва юқори даражада инглиз тили ўргатишга ихтисослашган замонавий мактабгача таълим муассасаси лойиҳасини амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Муассасани барпо этиш ишлари 2023 йил бошида бошланиши, қурилиш ишлари билан бирга жиҳозлар келтиришга ҳамда мутахассисларни тайёрлашга ҳам киришилиши маълум қилинди. Дастлабки босқичда 400 ўринли бўлиши режалаштирилган ушбу мактабгача таълим ташкилоти келгуси йил октябрь ойига қадар фойдаланишга топширилади.

Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг жорий йил март ойида Кореяга ташрифи доирасида Сеулда Чунгрим Хан билан музокаралар ўтказилиб, вилоят ҳокимлиги ва “EduLink Global” компанияси ўртасида Фарғонада мактабгача таълим соҳасига инвестиция киритиш юзасидан қиймати 2 миллион доллар бўлган ҳамкорлик меморандуми имзоланганди. Амалга оширилаётган лойиҳа ушбу келишув доирасида ҳаётга тадбиқ этилади.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев, вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Юлдуз Ходжаева ҳам иштирок этдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-12-16 19:09:46